

14

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № \_\_\_\_\_

2022 й. «10» 6

2022-287-5-72-ХТ-сон

ш.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Қизилтепа туман халқ таълими бўлими

(буюртмачининг номи)

номидан \_\_\_\_\_ устав \_\_\_\_\_ асосида иш кўрувчи

(устав, низом, ишончнома)

У.Т.Камолов

(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

бир томондан ва кейинги ўринларда

"Пудратчи" деб юритиладиган "Исмоилжон Дилдорахон" хусусий корхонаси

(юридик шахснинг номи)

номидан

Устав

(устав, низом, ишончнома)

асосида иш кўрувчи Исмоилов Дилшод Искандар ўғли

(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

иккинчи томондан Қизилтепа туман 14-мактаб биноси иссиқлик тизимини

(объектнинг номи)

жорий таъмирлаш бўйича қуйидаги шартномани туздилар.

**I. ТАРИФЛАР**

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**Қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Қизилтепа туман 14-мактаб биноси иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш

(лойиҳанинг номи)

лойиҳасида кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "06" июндаги баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 87 034 223 (Саксон етти миллион уттиз тўрт минг икки юз йигирма уч) сумни ташкил этади.

3.1. Шундан шартнома бўйича 87 034 223 (Саксон етти миллион уттиз тўрт минг икки юз йигирма уч) сум бюджет ҳисоб рақами ҳисобидан.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури катъий равишда ўзгартирилмайди (конунда қузда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқча ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга \_\_ - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ва/ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

\_\_ - иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор вилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вавтида атроф муҳитни, ўтвасилган дарактларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироглари ўрнатиш;

қурилиш таваққалчиликларини сугурта қилиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага \_1\_ - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига \_\_\_-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

### **10. Шартнома:**

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин қучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиради.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказилади, бу 26 110 266.9 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома қучга қирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган таъдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар қиритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан қилиши ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари яритилади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддати таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## Х. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишнадзорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## ХИ. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## ХII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачилиқлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни коплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## ХIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## ХIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз қучини йўқотади.

51. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб, Газначилиқдан руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга қиради ва амал қилиш муддати “ 31” декабр 2022 йилгача ҳисобланади.

#### XV. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкӣ имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни қафолатлайди ва шунга мажбур

#### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

##### ПУДРАТЧИ

“Исмоилжон Дилдораҳон” Масуляти чекланган жамияти

Юридик манзилгоҳ Қизилтепа туман Ҳафқорийн М.Ф.Й.  
Шукрона кишлоғи 2 уй

ТЕЛ +99891 991 43 43

ФАКС: \_\_\_\_\_

Х/р 20208000704524509001

Банк номи Навоий Саноат курилиш банк

Банк коди(МФО) 00207

ИНН 206706123

ХХТУТ

КТУТ \_\_\_\_\_

##### БУЮРТМАЧИ

Қизилтепа туман Халқ таълими бўлими

Юридик манзилгоҳ Қизилтепа шаҳар

Ёшлиқ кўчаси 11-уй

ТЕЛ: +99891 366 67 77

ФАКС: 79 555 21 21 \_\_\_\_\_

ШХ/Р 100022860122167092100075088

Ташкилот СТИР 200017201

ХХТУТ \_\_\_\_\_

КТУТ \_\_\_\_\_

Газначилиқ бўлими: Қизилтепа тумани

бўйича Газначилиқ бўлинмаси





**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***

к договору (контракту) от 10.06.2022 г. № 2022-287-5-72-ХТ

между "Исмоилжон-Дилдорахон" хусусий корхонаси и Қизилтепа туман ХТБ на общую сумму 87034223,00

Глава \_\_\_\_\_ 075  
Казначейский лицевой счёт \_\_\_\_\_ 100022860122167092100075088

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь	87,034,223.00			87,034,223.00
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>87,034,223.00</b>			<b>87,034,223.00</b>

Всего 87034223,00 сум

Восемьдесят семь миллионов тридцать четыре тысячи двести двадцать три сум 00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 26110266,90 сум или 30,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\* ) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

  
(подпись)

Камолов Уйгун Тулкинович  
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

  
(подпись)

Латипов Фаррух Фахриддинович  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения \_\_\_\_\_

(подпись)

Получил работник заказчика \_\_\_\_\_

(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

1. Loyihaning turi:  
**Shartnoma.**
2. Loyihaning nomi:  
**Pudrat shartnomasi.**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:  
**Qiziltepa tuman Xalq ta'lim bo'limi. 2022.08.06**

Huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

**XULOSA:**

**Qiziltepa tuman Xalq ta'lim bo'limi va "Ismoiljon Dildoraxon" xususiy korxonasi o'rtasida tuzilgan 87 034 223 so'mlik Qiziltepa tuman 14-maktab binosi issiqlik tizimini joriy ta'mirlash bo'yicha pudrat shartnomasi loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

Bosh yuriskonsult



M.Ro'ziyev

2022.10.06